

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 2 март, № 43 (5717) Шанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, иқтисодий тараққий этган ва ривожланиб бораётган мамлакатларда углеводород хом ашёсининг жаҳон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилди.

Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, айниқса, фаол ва самарали олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида амалда экспериментал равишда кенг кўламда қўлланилмоқда. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида республикада қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилмоқда ва улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилояти ва бошқа минтақаларда иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган. Турли қувватлардаги фотоэлектрик қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Кўплаб олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун Ўзбекистонда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илғор технологияларни нафақат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўпланган тажрибани эътиборга олган ҳолда ва тадқиқотлар ҳамда тажриба-саноат ишланмаларини юқорироқ техник ва илмий даражада ўтказишни янада давом эттириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон шароитида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги айрим ечимларни амалда қўллаш, шунингдек, мазкур соҳа учун замонавий ускуналар ва технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистонда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишни янада чуқурроқ ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш учун илмий-экспериментал ва моддий-техника базаси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фанлар академияси ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда, тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, бунда муқобил манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, республикада тегишли ускуналарни, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни, шунингдек, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фанлар академияси, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қуёш энергиясидан саноат кўламида фойдаланиш соҳасида юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш;

илғор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси потенциалидан амалий фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қуёш энергетикасидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш, шу жумладан, махсус материалларни синтез қилиш ва уларга термик ишлов бериш технологияларини қўллаш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни ўтказиш;

қуёш энергетикаси соҳасидаги йирик лойиҳалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Халқаро қуёш энергияси институти фаолиятини ташкил этиш ва уни молиялаштириш манбалари бўйича қарор қабул қилсин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, "Ўзбекэнерго" ДАК ва "Suntech Power Co." (ХХР) компанияси ўртасида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни тенг улушларда молиялаштирган ҳолда энг замонавий технологияларга асосланган 100 МВт қувватли фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишувга эришилди.

"Ўзбекэнерго" ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш бўйича бизнес-режа ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, бунда 2013 йилнинг октябрь ойида қуввати 50 МВт бўлган биринчи навбат ишлаб чиқаришни фойдаланишга топшириш, 2015 йилда лойиҳа қувватига эришиш назарда тутилсин. Бу ўринда корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга эҳтиёж ва уни сотиш бозорларини чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва "Ўзбекэнерго" ДАКнинг Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекэнерго" ДАК уч ой муддатда лойиҳани молиялаш манбалари сифатида Осиё тараққиёт банкининг имтиёзли кредити ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағларини жалб этишни назарда тутган ҳолда, лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда "Ўзбекэнерго" ДАКга электростанцияни қуриш ва жойлаштиришни ташкил этиш учун белгиланган тартибда ер ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки ҳамда бошқа халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этган ҳолда, қуёш ва биогаз энергиясини қўллаш бўйича экспериментал ва пилот лойиҳалар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги халқаро экспертлар иштирокида икки ой муддатда хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ ва божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилда Тошкент шаҳрида халқаро молия институтлари, етакчи халқаро экспертлар, хорижий тадқиқот марказлари ҳамда технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар иштирокида муқобил энергия манбаларини қўллаш масалаларига доир халқаро конференцияни ўтказиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академияси, "Ўзбекэнерго" ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг I ярим йиллигида Вазирлар Маҳкамасига "Муқобил энергия манбалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 1 март

## 2013 йил — Обод турмуш йили

*Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича "ўзбек модели" бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳам ушбу муҳим вазифани изчил бажаришга қаратилган.*

# АСОСИЙ ВАЗИФА — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ

Масалан, Давлат дастурининг бешинчи бўлимида халқимизнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, муносиб яшаш ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, янги тураржойлар қуриш, замонавий йўллар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви, электр ва иссиқлик энергияси билан кафолатли таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Мамлакатимиз қишлоқларида намунали лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар кенг кўламда қурилаётгани ва тегишли инфратузилма шакллантирилаётгани одамлар турмуш сифати ва даражасини янада оширишга эътибор қаратилаётгани ҳамда ғамхўрлик кўрсатилаётганидан ёрқин далолатдир. Бундай хайрли ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

2013 йилда 353 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта якка тартибдаги уй-жой қуриш режалаштирилган. Бунинг учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 2012 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 54 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, жорий йилда ёш оилаларга яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 36,7 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредитлари берилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизмати билан таъминлашни янада яхшилаш турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида қишлоқ массивларида қурилаётган якка тартибдаги уй-жойларда узунлиги 293,3 километр сув таъминоти тармоқлари, шунингдек, 462 қишлоқ аҳоли пунктида 552,8 километр ана шундай тармоқларни барпо этиш кўзда тутилган. Андижон, Бухоро, Марғилон, Самарқанд, Фарғона ва бошқа бир қатор шаҳарларда, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб этган ҳолда, сув таъминоти ва канализацияни яхшилаш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Минтақалараро сув ўтказгич иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида ҳудудлар аҳолисини ишончли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳам энг муҳим вазифалар сирасига киради. 2013 йилда Талли-маржон иссиқлик электр станциясидан "Сўғдиёна" ПСгача 215,8 километр узунликда 500 кВ юқори кучланишли электр узатиш линияси қурилади.

(Давоми 2-бетда).

# Модернизация ва юксалаётган салоҳият



*Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дарҳақиқат, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, ички бозорни сифатли ҳамда рақобатбардош истеъмол товарлари билан тўлдиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.*

## Ислоҳот

Шу боис мамлакатимизда илғор технологиялар билан жиҳозланган кўплаб ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилаяпти. Бундай ўзгаришлар, ўз навбатида, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг муҳим кафолатига айланмоқда.

Хусусан, ўтган йили Хоразм вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес субъектларининг улуши 2000 йилдаги 34,2 фоиздан 73,8 фоизга етгани қувонарли ҳолдир. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида бултур 731 янги кичик корхонанинг фаолияти йўлга қўйилди. Бунда тижорат банклари томонидан 212,3 миллиард сўмлик ёки 2011 йилдагига қараганда 56,8 миллиард сўмликдан ортиқ кредит маблағлари ажратилгани муҳим омил бўлди.

Вилоят тадбиркорлари эришаётган муваффақиятларни Урганч шаҳрида жойлашган "Al-Beyazim elektrik" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Электр трансформаторлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган даврда жамоа аҳли чинакам ривожланиш босқичини босиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

## 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

*Наманган вилоятида спорт билан мунтазам шуғулланаётган, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлган қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.*

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Тўрақўрғон туманида бўлиб ўтган ана шундай тадбирда вилоят ва туман ҳокимлиги, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, олис, чекка қишлоқларда ҳам болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Наманган вилояти филиалидан маълум қилишларича, жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида вилоятда 120 дан зиёд болалар спорти иншооти барпо этилган.

(Давоми 2-бетда).

# Энг улуғвор мақсад – баркамол фарзанд тарбияси

*Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.*

## Ифтихор

Юртимизда йигирма йил муқаддам, давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 4 март куни қабул қилинган Фармонига мувофиқ, дастлабки нишон — "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилиши ҳам бежиз эмас. Негаки, соғлом деганда биз нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, маънавий етук авлодни тушунамиз.



Бугун амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун мукаммал шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда фаолият юритаётган замонавий мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, спорт мажмуалари, тиббий муассасалар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## 2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун



*Мамлакатимизда истиқлол туфайли мустақил ички ва ташқи сиёсий муносабатларни аниқ белгилаб олиш борасида улкан муваффақиятларга эришилди. Қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Уларнинг фаолиятида самарали иштирок этиб, турли таклиф ва ташаббуслари билан дунё жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.*

# Ҳамкорлик ва тараққиёт

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўла риоя этиш, мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Бу Асосий Қонунимизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Конституциямизнинг 17-моддасида белгилаб қўйилганидек, “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади”. Мазкур тамойилларга қатъий амал қилиш, шунингдек, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бораяпти.

Ўзбекистон жаҳондаги энг йирик ва тинчликпарвар ташкилот — БМТга 1992 йилнинг 2 мартида аъзо бўлган. Ана шу санадан эътиборан мамлакатимиз байроғи ушбу ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида ҳилпираб турибди. 1993 йилда эса Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилган. Айни пайтда юртимиз ташкилотнинг бир қатор таркибий тузилмалари — Ривожланиш дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (ЮНФПА), Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС), Аёллар тузилмаси, Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир.

**Ў**тган давр мобайнида давлатимиз раҳбари бир неча бор БМТ минбаридан туриб, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни кўтариб чиқди. Хусусан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш, афғон муаммосига ечим топишга қаратилган БМТ шафелигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил қилиш сингари ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан жуда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Масалан, “6+3” мулоқот гуруҳининг аҳамияти шундаки, унинг юзага келиши афғон муаммосини ҳарбий йўл билан эмас, балки сиёсий, дипломатик воситалар орқали ҳал қилинишига имкон яратади. Юртбошимизнинг 2010 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи ҳам жаҳон сиёсий жамоатчилиги томонидан юксак эътироф этилди. Чунки унда МРМ доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар, шунингдек, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари ҳақида сўз юритилиб, уларни ҳал этишга оид амалий таклифлар билдирилди. Булар халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларнинг ечими билан узвий боғлиқ бўлгани боис ҳам барчанинг диққатини тортди.

Ўзбекистон БМТнинг бир қатор конвенцияларини ратификация қилган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Фан, таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш борасида ЮНЕСКО билан муносабатларимиз ҳам изчил ривожланиб бораяпти. Ўтган давр мобайнида буюк аждодларимизнинг юбилей тадбирлари, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз, Самарқанд, Марғилон каби дунё цивилизациясида ўз ўрнига эга бўлган шаҳарларимиз, шунингдек, “Алпомиш” достони ҳамда “Авесто” китобининг тарихий саналари мазкур халқаро ташкилот ҳамкорлигида кенг нишонланди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалининг ташкил этилгани ўзаро алоқаларимизда янги саҳифа очди. Мазкур ажойиб санъат тадбири дунёнинг барча қитъаларидаги ўнлаб давлат вакилларига ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, ўз истеъдодларини намойиш этиш имкониятини бераяпти. Миллий қадриятлар руҳини ўзида ифодалаган “Асрлар садоси” фестивалининг нуфузи ҳам ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида Умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз байрами, “Катта ашула”, “Шашмақом” қўшиқлари, Бойсун миллий фольклор анъаналари инсониятнинг оғзаки ва номоддий мерослари рўйхатидан жой олган.

Хабарингиз бор, Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуида халқаро симпозиум ўтказилган эди. Ушбу нуфузли тадбирда Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен иштирок этиб, симпозиум натижалари Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қилиши билан аҳамиятли эканини қайд этди. Юртбошимиз Фармонига мувофиқ, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантириш, Хотин-қизлар ва болалар соғлиғини сақлашнинг глобал стратегиясини амалга ошириш борасидаги улкан хизматлари учун Маргарет Чен I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди.

Ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференцияда эса БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер иштирок этди. Юксак мартабали меҳмон Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида қилинган ишларга юқори баҳо берди.

**М**амлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Бунда 2011 — 2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқлангани муҳим аҳамият касб этаётир.

Хуллас, Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигининг уфқлари кенг. Дунёда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлида фаол ҳаракат қилиб келаётган ушбу ташкилот билан муносабатларимиз келгусида ҳам изчил ривожланиб бораверади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Еврокомиссия монополияга қарши

***Еврокомиссия Ирландиянинг икки авиакомпанияси — “Ryanair” ҳамда “Aer Lingus”нинг бирлашишига қарши чиқмоқда.***



Мутахассисларнинг изоҳлашича, агар ушбу режа амалга ошса, мамлакат ҳаво транспорти соҳасида монополия юзага келади.

Таъкидлаш жоиз, “Ryanair” рақобатчисини қўшиб олишга бир неча йилдан бери уринмоқда. Айни пайтда у “Aer Lingus” авиакомпаниясига тегишли қимматли қоғозларнинг 30 фоизига эга энг йирик акциядор ҳисобланади.

Харидор сўнгги бор “Aer Lingus” активлари учун 694 миллион евро миқдорида маблағ таклиф қилган.

### Меҳнат бозоридаги вазият мураккаблашмоқда

***Францияда 21 ойдан буён ишсизлар сони тобора ортиб бормоқда.***

Мамлакат меҳнат вазирлигининг маълум қилишича, жорий йилнинг январь ойида улар сафи яна 43 минг 900 кишига кўпайган. Шу тариқа мазкур давлатда меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли сони қарийб 3 миллион 170 минг кишига етди.

Айтиб ўтиш керак, сал аввалроқ экспертлар 2013 йилнинг дастлабки ойида Францияда ишсизлар сони 17,5 минг нафарга ортишини тахмин қилишган эди.



### Ишлари юришмади

***Ишлаб чиқариш соҳаси учун кимёвий маҳсулотлар етказиб берувчи дунёдаги энг йирик “BASF” (Германия) концерни учун ўтган йил жуда қийин кечди.***

Яъни ушбу даврда унинг даромади 21 фоизга пасайган. Натижада 4,9 миллиард евро миқдорида маблағ бой берилган.

2012 йилда концерннинг тўқимачилик корхоналари учун тайёрлаган маҳсулотлари савдоси унчалик юришмади. Бундан ташқари, солиқ ставкаларининг юқорилиги ҳам “BASF” фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

**Буюк Британия статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, ўтган йилнинг сўнгги чорагида Бирлашган Қироллликда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,3 фоизга пасайган.**

### Умумий натижа ижобий

Ундан олдинги уч ойда эса бу борада 1 фоизлик ўсиш қайд этилган эди. Эътиборли жиҳати, сўнгги чоракдаги салбий ҳолатга қарамай, ўтган йилнинг умумий натижалари бўйича ҳудудда ЯИМ ҳажми 0,3 фоизга ўсган.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛДАН 22 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 январдаги 6-мҳ-сонли қарори.*

**2013 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

2. «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/3-сонли қарори.*

**2013 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1289-1 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

3. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликлари учун тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 16 февралдаги 4/1-сонли қарори.*

**2013 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2063-1 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

4. «Махсус юклар таснифини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 февралдаги 2, 01-02/12-14-сонли қарори.*

**2013 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2429 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

5. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларига (ЎзР АҚ-160) ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 5 февралдаги 16н-сонли буйруғи.*

**2013 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-5 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

6. «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил 1 февралдаги 15н-сонли буйруғи.*

**2013 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-1 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

7. «Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2013 йил 22 февралдаги 162-сонли буйруғи.*

**2013 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2430 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

8. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 30 январдаги 01-02/15-11-сонли қарори.*

**2013 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-24 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

9. «Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 18 февралдаги 01-02/12-8, 18, 4, 2013-5-сонли қарори.*

**2013 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1459-1 (2013 йил 25 февралдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Махсус юклар таснифи» (рўйхат рақами 1873, 2008 йил 2 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.

**Адлия вазирининг 2013 йил 20 февралдаги 55-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

● Реклама ва эълонлар ●

POLIMER GROUP
«Polimer Group Asia» МЧЖ



совуқ сув ва газ учун ∅ 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан ишлаб чиқарилган, бурғилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, ∅ 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.

Кичик ҳажмларда SG-5 ёки K-67га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютада харид қилади.



МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

*Шиоримиз — сифатли маҳсулот мижоз учун.*

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03.
Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz
13R/1240

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
10R/109

*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан

маккажўхори ва чорва озуқа экинлари уруғларини

таклиф қилади.



УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46.
Факс: (+99871) 257-58-61.
180R/124

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»
акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида **2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелигача** бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция ғолибига айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция ғолибларига мукофотларни тақдим этиш маросими **2013 йилнинг апрель** ойида бўлиб ўтади.

*«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!*

«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.
215R/138

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Хоразм вилояти филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Хива тумани СИБ томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2012 йил 10 декабрдаги 22-1202/12671-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хива шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 10-уйда жойлашган, «Орқончи» Х/Фга қарашли, умумий ер майдони 1005,82 кв.м., қурилиш ости майдони 913,48 кв.м., фойдаланиш майдони 1384,20 кв.м. бўлган, 99 хонадан иборат 2 қаватли меҳмонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 750 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 5 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 3 апрель куни соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТИБ «Ипотека-банк» «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, МФО: 00580, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Хоразм вилояти, Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй. Телефон: (8-362) 226-32-63. www.1kms.uz

*Лицензия: RR-0001.*
309R/1453



Мавсум

**Баҳор... Ушбу фаслни доимо ўзгача интиқлик билан кутамиз. Шу жумладан, футбол мухлислари ҳам. Қуёшнинг заррин нурлари борлиққа илиқлик бағишлайди, дов-дарахтлар қайта уйғониб, атроф яшилликка бурканади. Майин шаббода, гулларнинг димоқни қитиқлагувчи ёқимли иforини айтмайсизми?! Баҳор фаслининг кириб келиши билан юртимизда футбол мавсуми ҳам бошланади. Ям-яшил майдонларимиз яна мухлислар билан тўлади. Бугун ана шу ҳаяжонли дамларнинг биринчи куни...**

# Ассалом, футбол баҳори!

Ҳар гал спортимиз ҳақида гап кетганда, унинг бугунги шиддати истиқлол билан боғлиқ эканини бот-бот таъкидлаймиз. Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли ўзбек футболи ҳам том маънодаги ривожланиш босқичига кўтарилди. Ўтган йиллар мобайнида футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир маҳоратли футболчиларни тайёрлаш, шунингдек, юртимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди.

> Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, юртимизда Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Айни вақтда мазкур жамғарма болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ савиясини яхшилаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида жаҳон андозаларига жавоб берадиган "Бунёдкор" ва "Локомотив", Бекобод шаҳрида "Металлург" футбол стадионларининг барпо этилгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Муҳими, бу каби юксак эътибор ўзбек футболининг халқаро майдондаги нуфузи юксалишига хизмат қилаётир. Биргина ўтган йилда турли ёшдаги терма жамоаларимизнинг халқаро майдонларда қўлга киритган муваффақиятлари бунга ёрқин мисолдир. Хусусан, ўсмирлар ўртасида Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз бош совринни қўлга киритди. Ногирон-ампутантлар ўртасида кечган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз кетма-кет учинчи маротаба чемпион унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қилган ёшлар ўртасидаги қитъа биринчилигида терма жамоамиз кучли тўртликдан жой олиб, навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичида муҳим очколарни қўлга киритиб, ўз гуруҳида пешқадамга айланди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олишди.

Янги мавсумда бундай муваффақиятлар янада бойишига ишончимиз комил. Масалан, миллий терма жамоамиз жаҳон чемпионати йўлланмаси учун жуда яқин турибди. Ўзаро давраларда, футбол мухлислари ўртасидаги суҳбатларда ҳам шу мавзу: Миржалол Қосимов бош мураббийлигида футболчиларимиз Бразилияга боришсин, чиройли ўйин кўрсатиб, Ўзбекистон номини улуғлашсин, дея ниятлар билдиришаяпти. Бундай самимий тилакларнинг ижобат бўлишини ҳар биримиз чин дилдан истаймиз.

Қитъа миқёсидаги мусобақаларда мухлису мутахассислар эътиборига тушган, меҳрини қозонган ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиздан ҳам умид катта. Улар бўлажак жаҳон чемпионатларида ўз иқтидорларини яна бир карра кўрсатишлари керак. Шу маънода, янги футбол мавсуми ўтган йилги муваффақиятларни янада бойитадиган муҳим палла, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

> Бугун бошланадиган миллий чемпионатимизнинг биринчи турида қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашади:
> "Нефтчи" (Фарғона) — "Динамо" (Самарқанд),
> "Металлург" (Бекобод) — "Шўртан" (Ғузор),
> "Насаф" (Қарши) — "Олмалиқ" (Олмалиқ),
> "Қизилқум" (Зарафшон) — "Гулистон" (Гулистон).
> Ушбу турдан ўрин олган "Пахтакор" (Тошкент) — "Навбаҳор" (Наманган) жамоалари ўртасидаги ўйин 3 март, якшанба кунига белгиланган.
> 4 март, душанба куни "Локомотив" (Тошкент) — "Бухоро" (Бухоро), "Бунёдкор" (Тошкент) — "Сўғдиёна" (Жиззах) клублари ўртасидаги беллашув билан дастлабки турга якун ясалади.

Гарчи мамлакатимизда футбол бўйича XXII миллий чемпионат баҳсларига бугун старт берилса-да, "Пахтакор" ва "Бунёдкор" каби етакчи жамоаларимиз қитъа клублари ўртасидаги нуфузли мусобақа — Осиё чемпионлар лигасида аллақачон дастлабки ўйинларини ўтказишди. Қувонарли жиҳати, вакилларимиз гуруҳ босқичидаги биринчи турни ғалаба билан якунладилар. Жумладан, "Пахтакор" ўз майдонида Саудия Арабистонининг "Ал-Иттифоқ", "Бунёдкор" эса сафарда Японияниннг "Санфречче Хиросима" клубидан устун келди. Ана шу ютуқлар мамлакатимиз миллионлар ўйини мухлисларига олам-олам қувонч, баҳорий кайфият бағишлади.

— Албатта, турнирни ғалаба билан бошлаш жудаям ёқимли. Айниқса, илк ўйинни меҳмонда ўтказган клуб учун, — дейди Хиросимадаги учрашувдан сўнг "Бунёдкор" клуби бош мураббийи Миржалол Қосимов. — Бутун ўйин давомида бевосита стадионда бизни қўллаб-қувватлаган мухлисларга ва Ватанимиздан туриб руҳий далда бўлган юртдошларимизга алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Ҳали олдинда жуда кўп синовлар бор. Қолаверса, миллий чемпионатимизда ҳам бу йил рақобат анча кучли бўлади, деган фикрдаман. Чунки бир қатор клублар мавсумга жиддий ҳозирлик кўришди, таркибларини маҳоратли футболчилар билан бойитишди. Ҳар бир баҳс ҳам қизиқарли, ҳам муросасиз кечиши турган гап. Шу боис биз ички чемпионатга худди халқаро ўйинларга тайёргарлик кўргандек ёндашамиз.

Табиийки, футболимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақияти миллий чемпионатимизнинг савияси ва ундаги рақобат даражасига бевосита боғлиқдир. Кейинги йилларда бу борада ҳам ўсиш кузатилаяпти. Масалан, олдинги йилларда совринли ўринлар учун баҳс, асосан, "Бунёдкор", "Пахтакор", "Насаф" ва "Нефтчи" каби жамоалар ўртасида кечган бўлса, ўтган мавсумда бу курашга пойтахтнинг "Локомотив" клуби ҳам қўшилди. Буни "темирйўлчилар" XXI миллий чемпионат беллашувлари якунида бронза медалини қўлга киритиб, амалда исботладилар.

XXII миллий чемпионатда Наманганнинг "Навбаҳор", Самарқанднинг "Динамо", Бухоронинг "Бухоро" клублари ҳам ана шундай юксак мақсадни кўзлаб, бўлажак баҳсларга астойдил тайёргарлик кўришди.

Мамлакатимизда футбол инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, бу йил Наманган, Фарғона, Олмалиқ, Жиззах шаҳарларида янги стадионлар фойдаланишга топширилади. Мисол учун, "Навбаҳор" клуби учун мўлжаллаб барпо этилаётган стадион 20 минг ўринга эга бўлади. Унга 1250 люкс қувватга эга ёритиш тизими ўрнатилади. Бу телетрансляцияларни юқори сифатда амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, футболчилар, ҳакамлар ва ОАВ ходимлари учун барча қулайлик яратилади. Бошқа стадионлар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Хуллас, янги мавсум ана шундай янгиликларга, муҳим воқеаларга бой йил сифатида спортимиз тарихидан жой олишига ишончимиз комил.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Ўзбек мусаввирларининг асарлари Шанхайда намойиш этилди

*Яқинда Шанхай кутубхонасида Тошкент ва мазкур мегаполис ўртасида биродарлашув муносабатлари ўрнатилганининг 19 йиллигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда ўзбек рассомлари ижодига мансуб ранг-баранг асарлар намойиш этилди.*

Кўргазма

Республикамизнинг Бош консуллиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ва Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси (ШХМДУ) томонидан уюштирилган мазкур кўргазма давомида Шанхай шаҳар жамоатчилиги ҳамда ушбу мегаполис меҳмонларининг эътиборига А. Нуриддинов, Г. Қодиров, М. Исанов, М. Содиқов, Ф. Аҳмадалиев, Х. Зияхонов ва бошқа мўйқалам усталарининг ижод намуналари намойиш қилинди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг Бош котиби Юй Сзянхао тадбир қатнашчиларини қутлар экан, ўзбекистонлик санъат усталарининг маҳоратига юқори баҳо бергани баробарида, турли рангдаги тасвирлар, муаллифларнинг юксак қобилиятидан далолат берувчи илиқ руҳдаги композициялар ўзида жуда катта таассурот қолдирганини айтди.

— Ўзбек мусаввирларининг асарлари рангларининг ёрқинлиги, миллий товланиши, ранглар жилодорлигининг уйғунлиги, образлар хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради, — деди Юй Сзянхао.

Шанхай кутубхонаси директори ўринбосари Хэ Юйнинг айтишича, кўргазмада намойиш этилган ҳар бир асарда Ўзбекистон ва унинг замонавий тараққиёти ёрқин рангларда ўз ифодасини топган.

— Уларда ўлканинг бетакрор табиати, мамлакат бағрида жойлашган қадимий ва навқирон шаҳарлар, тарихий осориатиқалар, халқнинг миллий урф-одатлари ва қадриятларидан "сўзлайдиган" лаҳзалар маҳорат билан тасвирланган, — деди у. — Булар эса кўргазмага ташриф буюрган меҳмонларга Буюк Ипак йўлининг етакчи давлатларидан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини янада бойитишга кўмаклашди, деб ўйлайман.

**«Жаҳон» АА.**


• Реклама ва эълонлар •




Ижтимоий реклама




«ЎЗБЕКНАВО»
ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ
*тақдим этади!*
2013 йил 3 март куни
соат 19.00 да
«ИСТИҚЛОЛ»
санъат саройида
*муҳтарам Юртбошимиз томонидан миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган*
*«Марди майдон!»*
*қўшиқлар фестивали ғолибларининг «Дилларда Ватан мадҳи» деб номланган жонли ижродаги концерти ўтказилади.*
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 234-52-90, 235-41-15, 234-15-93.
103R/56


Маданият хабарлари



***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёшлар ижодига бағишланган адабий анжуман ташкил этилди.***

## Ёш ижодкорлар парвози

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар Юртбошимизнинг ижод аҳлига кўрсатаётган юксак эътибори, ёшлар орасидан ҳақиқий иқтидор эгаларини кашф этиш борасидаги беқиёс ғамхўрликларини алоҳида таъкидладилар.

Хабарингиз бор, 2010 йил 26 февралда Президентимизнинг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Ушбу қарор асосида Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фонди фаолияти йўлга қўйилди. Айтиш жоизки, мазкур фонд кўмагида турли танловлар, анжуманлар, ижодий кечалар ташкил этилаяпти. Ёш ижодкорларнинг сара асарлари китоб ҳолида чоп қилинмоқда. Айниқса, "Биринчи китобим" лойиҳаси ёшлар орасида кенг оммалашди. Ўтган йили "Адиб" нашриётида ушбу лойиҳа доирасида ўн нафардан зиёд ижодкорнинг биринчи китоби нашр этилди.

Анжуманда шоир ва ёзувчи, адабиётшунослар иштирокида учрашувлар ташкил қилиш, иқтидорли йигит-қизларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифалар хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

## Сайёҳлар учун сара фильмлар

***Хива шаҳридаги Ичан қалъа обидасини капитал таъмирлаш асносида шу ҳудудда жойлашган Худойберган Девонов номидаги кинотеатр биноси ҳам янгича қиёфа касб этди.***

Эътиборлиси, мазкур кинасаройда хорижлик сайёҳлар учун ўтган асрда суратга олинган "Алишер Навоий", "Тоҳир ва Зуҳра", "Ўтган кунлар", "Маҳаллада дув-дув гап" ва "Мафтунингман" сингари миллий санъатимиз хазинасидан жой олган сара фильмлар намойиш қилинади.

Бундан ташқари, ўзбек кинематографияси асосчиси Худойберган Девоновнинг ўз даврида Ичан қалъа минорасида тасвирга туширган ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлари ҳам чет эллик томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши кўзда тутилган.

**И. НАБИЕВА.**

## Алла сеҳри

***Андижонда "Она алласида Ватан мадҳи" кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туман ҳамда шаҳар босқичида ғолиб бўлган бадиий жамоалар қатнашди.

Танловни ўтказишдан мақсад, ноёб миллий қадриятларимиздан бўлган аллани оммалаштириш, шу орқали ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашдан иборат. Танловда Бўз тумани марказий маданият уйининг "Дилрабо" ашула ва рақс дастаси биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

**Х. ҲАМИДОВ.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 534. 134 412 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5